

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ” КАФЕДРАСИ

МУХАММАДИЕВ АБДУЛЛА УРОЛОВИЧ

**ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАБ
ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

5340800 – “Солиқлар ва солиққа тортиш” таълим йўналиши

бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: к. ўқ. Боймуродов С.

ТОШКЕНТ – 2010

МУНДАРИЖА

	Бетлар
КИРИШ.....	
I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИАТИ ВА БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	
1.1. Қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳияти ва уни ундиришнинг назарий-услубий асослари.....	
1.2. Қўшилган қиймат солиғининг давлат бюджет даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти.....	
1.3. Хорижий давлатларда қўшилган қиймат солиғини ундиришнинг ижобий тажрибаларини ўзлаштириш масалалари.....	
II БОБ. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ (ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ МИСОЛИДА).....	
2.1. Қўшилган қиймат солиғини тўловчилар, солиқ объекти ҳамда солиқ солинадиган базани аниқлаш тартиби таҳлили.....	
2.2. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси ва солиқдан бериладиган имтиёзлар, ҳисоб-китобларини тақдим этиш ҳамда бюджетга тўлаш муддатлари таҳлили.....	
III БОБ. МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ УНДИРИШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ.....	
3.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ва унинг қўшилган қиймат солиғи тушумларига таъсири.....	
3.2. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари.....	
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	

Кириш.

Иқтисодиётни эркинлаштириш солиқ тизимига ҳам муқаррар таъсир кўрсатади. Солиқ тизими тўхтовсиз ҳаракатланувчи механизм бўлиб, узлуксиз такомиллашиб бормоғи лозим. Бундан асосий мақсад, макроиқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда корхоналар зиммаисадаги солиқ юкини мунтазам камайтириб боришдир.

Бизнинг бугунги асосий вазифамиз жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози чуқур тус олган бир шароитда ўтган 2009 йил якунларини танқидий баҳолаш ва шу асосда 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олишдан иборатдир. Шунини таъкидлаш керакки, аввало 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури самарадорлигини холисона баҳолаш муҳим принципиал аҳамият касб этади. Нега деганда, 2010 йилда ва ундан кейинги йилларда ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида, зарурат туғилишига қараб, унга тегишли ўзгартиришлар киритишда ана шу таҳлил ҳулосаларига таянишимиз мумкин бўлади. Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегиямизни ва Инқирозга қарши қабул қилган дастуримизни амалга ошириш натижасида юртимиз дунёдаги санокли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришгани барчамизга катта мамнуният ва ифтихор бағишлайди, албатта. 2009 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,0 фоизга кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 5,7 фоизни ташкил этди, чакана савдо айланмаси 16,6 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,9 фоизга ошди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йили юзага келган мураккаб иқлим шароитига қарамай, мамлакатимизда илк бор 7,3 миллион тоннадан ортиқ дон, шу жумладан, 6 миллион 600 минг тонна буғдой етиштирилди, 3,4 миллион тонна пахта хомашёси тайёрланди. Ўтган йили иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажми 8,2 миллиард долларни ташкил этди, бу эса 2008 йилга нисбатан 24,8 фоиздан кўп демакдир. Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68 фоизга ўсди, энг муҳими, уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар бўлиб, уларнинг ҳажми 1,8 баробар ошди. Мамлакатимизда инфляция даражаси 7,4 фоизни ташкил этиб, 2009 йил учун белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Шунини айтиш керакки, давлатимиз бюджети ўтган йили ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорда профицит билан бажарилди¹.

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларини ривожлантириш жараёнининг муҳим босқичидан ўтмоқда. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида тадбиркорлик фаолияти ва давлатнинг билвосита бошқаришга асосланган

¹ “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 29 январ 2010 йил.

холда, рақобатчилик механизмига таяниб чуқур тузилмавий ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда, солиқ сиёсатининг асосини солиққа тортиш тизимидаги ислохотларни амалга ошириш ва солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш бўлиб, бунинг асосий йўналиши солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясини мавқеини ошириш ҳамда фискал функциясини камайтиришга қаратилган чора тадбирлар ташкил қилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг куйидаги фикрларини келтириш лозим: “Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини янада камайтириш, мирфирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг тушурилиши, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши ва айни пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг таомиллаштирилиши тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратди”².

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутлар каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жиҳати – жаҳоннинг бир мамлакатада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади.

Шунга кўра, биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Шунга кўра, Президентимиз ўз асарларида бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатларига тўхталар экан куйидаги фикрларни айтиб ўтдилар: “Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборатдир”³.

Ҳозирги кунда юқорида келтирилган муаммолар солиқ тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда, шу жумладан қўшилган қиймат солиғини ундириш билан боғлиқ муаммоларда ҳам яққол кўринмоқда. Республикамиз солиқ

² И.Каримов. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби”. //Тошкент окшоми газетаси. 2009 йил 16 феврал. №32

³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-бет.

тизими таркибида қўшилган қиймат солиғи умумдават солиқлари сифатида давлат бюджетини шакллантирувчи манба бўлиб, ушбу солиқ туридан фойдаланиш даражаси ўсиб бораётганлигини кўрсатиш мумкин. Қўшилган қиймат солиғининг зарурлиги бозор иқтисодиёти шароитида давлат томонидан тартибга солиб туриш ва уни бошқариш вазифаси бажараётган пайтда намоён бўлади. Шу даврда давлат ўз функциясини бажариши учун албатта молиявий манбага эга бўлиши керак. Ана шундай манбаларни бюджетга жалб қилишнинг асосий, балки, келажакдаги ягона йўли солиқлардир.

Қўшилган қиймат солиғи эгри солиқ ҳисобланади. Бу эса эгри солиқ сифатида маҳсулотлар нархининг кескин ошишига сабаб бўлади. Маҳсулотлар нархининг кескин ошиши, истеъмолчилар харид қобилиятини пасайтиради. Чунки эгри солиқларнинг ҳақиқий тўловчилари охириги истеъмолчилар ҳисобланади. Республикамизда эгри солиқлар сифатида қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона бождари ва бошқаларни мисол келтириш мумкин. Қўшилган қиймат солиғи ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида яратилаётган қийматга (яъни, маҳсулот, иш ва хизматлар) қийматига, давлат ўз ҳукмронлигидан фойдаланиб, ўзининг “ҳақини” қўяди ва маҳсулот ва иш-хизматларнинг қўшилган қиймат солиғи ҳисобига сунъий оширилиши натижасида асосан аҳоли даромадларининг бир қисмини ўзининг даромадига корхона ва ташкилотлар воситачилигида ундириб олинади. Қўшилган қиймат солиғининг асосий вазифаси ва аҳамиятли томони бюджет даромадларини шакллантиришдир, яъни фискал функциясини бажаришга хизмат қилади. Бу солиқдан иқтисодий ва ижтимоий функция сифатида фойдаланиш имкониятлари чегараланган. Умуман эгри солиқлар иқтисодий қийинчиликлар мавжуд мамлакатларда давлат харажатларини маблағ билан таъминлаш мақсадида жорий этилади. Шу сабабли мазкур битирув малкавий иши мавзуси долзарбдир.

Битирув малакавий ишининг таркиби кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, аҳамияти ҳамда мақсади ва вазифалари асослаб берилган.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти, қўшилган қиймат солиғининг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари назарий жиҳатдан ёритилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида қўшилган қиймат солиғи тўловчилари, солиқ солинадиган оборот, солиқ солинадиган базани белгилаш, қўшилган қиймат солиғи ставкаси ва имтиёзларни гуруҳлаш тартиби, қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби каби масаллар амалий материаллар асосида таҳлил қилинган.

Учинчи бобда жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида қўшилган қиймат солиғини ундириш билан боғлиқ муаммолар кўтарилган ҳамда уларни бартараф этишнинг усутувор йўналишлари белгиланган.

Битирув малакавий ишининг хулоса ва таклифлар қисмида тадқиқот

натижасида олинган хулосалар умумлаштирилган ва такомиллаштириш юзасидан таклифлар тизими келтирилган.

I боб. Қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳияти ва бюджет даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти

1.1. Қўшилган қиймат солиғининг моҳияти ва уни ундиришнинг назарий-услубий асослари

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг дастлабки йиллик (1992 йил) Давлат бюджетига ташқаридан дотация ва субвенция олмасдан тузилиши бўйича талаблар қўйилди. Шундан келиб чиқиб, бошланғич босқичда солиқ сиёсати ижтимоий-иқтисодий йўналишга эга бўлган бюджет даромад ва харажатларининг тенглигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган эди. Уни республикада ишлаб чиқариш ҳажми тушиб кетган бир шароитда, юқори инфляция пайтида ва давлат молия соҳасидаги ўта оғир бир вазиятда амалга оширишга тўғри келди.

Ҳар қандай буюм, нарса, воқеликни чуқур билиш учун унинг моҳиятини чуқур тушуниб етмоқ зарур. Қўшилган қиймат солиғини ҳам бошқа солиқлар каби моҳияти, яъни солиқчи ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатларни ифодалашда ўз аксини топади. Шундай экан қўшилган қиймат солиғининг моҳиятини шакллантиришда уни қатъий доимий такрорланиб турадиган муносабат деб тушунишимиз лозим. Қўшилган қиймат солиғининг доимий такрорланиб туриши уни иқтисодий категория сифатида намоён бўлиши билан боғлиқ, шу боис қўшилган қиймат солиғининг фақат қиймат категорияси орқали тушуниш мақсадга мувофиқдир⁴. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, ҳар қандай иқтисодий категория аввало қиймат категорияси сифатида шаклланади, сўнг бундай воқелик ҳаракати иқтисодий муносабатларда ўз ифодасини топади. Қўшилган қиймат солиғи эса бундан истисно эмас.

Шундай қилиб, қўшилган қиймат солиғи иқтисодий категория сифатида яратилган жами ижтимоий маҳсулотнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади. У меҳнат маҳсулидир. Қўшилган қиймат солиғининг юзага келиши яратилган қийматнинг тақсимотига асосланади. Бу ўз вақтида молиявий муносабатларда ва уни ҳаракатга келтирувчи жараёнларда тўлиқ ўз ифодасини топади. Шу боис, қўшилган қиймат солиғининг юзага келиши ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир этиши бевосита қийматнинг яратилиши билан боғлиқдир. Қўшилган қиймат солиғининг (ҚҚС) яратилиши бир вақтнинг ўзида ўзига хос, унга мос солиқ муносабатларини юзага келтиради ва унинг такомиллаштирилиб борилишини таъминлайди. Шундай экан қўшилган қиймат солиғининг моҳияти бошқа солиқларга мансуб муносабатлар доирасида шакллантирилади ва ривожлантирилади⁵. Амалиётда ҚҚС деганда бевосита бюджетга тушадиган мажбурий пул тўлови

⁴ Тошматов Ш., Комилов М. Қўшилган қиймат солиғи. –Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”. 2004. 18-бет.

⁵ Жўраев А., Сафаров Ғ. Солиқ назарияси. //Ўқув қўлланма. –Т.: “Iqtisod-moliya”. 2005. 28-бет

тушунилади. Бу эса ҚҚСни бошқа солиқ турларига тенглаштирилаётганлигидан далолат бериши, қолаверса ҚҚСни моҳияти бошқа солиқ турларига боғлиқ ҳолда бефарқли таърифланишига сабаб бўлиши мумкин. Бунда солиқларни гуруҳлаш орқали уларнинг моҳияти ва аҳамиятини асослашга эҳтиёж қолмаган бўлар эди. Шунини эътиборга олиш жоизки, ҚҚС билвосита солиқларнинг функционал элементиدير. Унинг тўловчилари истеъмолчилар бўлиб ҳисобланади. ҚҚСни ана шундай табиатидан келиб чиққан ҳолда, унинг моҳиятини ифодаловчи даражада таъриф бериш мақсадга мувофиқдир⁶.

Шундай қилиб, ҚҚС - бу товарлар, ишлар хизматларни реализация қилиш жараёнида юзага келадиган пул муносабатлари доирасида янги ҳосил қилинган қийматнинг бир қисмини бюджет даромадига истеъмолчилар ҳисобидан мажбурий тўлов сифатида ундирилишидир. Бир қисмини давлат ихтиёрига истеъмолчилар томонидан яратилган янги қийматни бир қисмини соф даромад сифатида ундирилиши аниқланади. ҚҚС мажбурий тартибда Олий Мажлис томонидан тасдиқланган ва ҳукуқий қонунлар билан таъминлангандир.

Шундай экан, ҚҚСни тўламасликка, солиқ объектини камайтириб кўрсатишга юридик шахсларнинг ҳаққи йўқ. ҚҚСни тўлаш хўжалик субъекти билан давлат ўртасидаги молиявий муносабатларни бозор иқтисодиёти давридаги асосий шакли, даромадларни бир қисмини хўжалик субъектлари билан давлат ўртасида тақсимлашнинг асосий воситаси ҳисобланади.

ҚҚСнинг моҳиятини ифодалашда унинг энг аввало мажбурий тўлов сифатида изоҳлашга ҳаракат қилувчи иқтисодчилар йўқ эмас. Тўғри, ҚҚСни тўлашда мажбурийлик бор, лекин бу мажбурийлик демократиянинг олий тимсоли бўлмиш Олий Мажлис қарори, яъни қонун билан киритилади ва ҚҚСни тўловчилари билан давлатнинг энг асосий талаблари эътиборга олинади. Демак ҚҚСдаги мажбурийлик ҳукуқий демократик меъёрлар асосида Олий Мажлис томонидан киритилади⁷. Ваолангки, мажбурийлик бошқа солиқ хилларига ҳам хос хусусиятдир. Қолаверса бюджетга бошқа махсус жамғармаларга тўловлар ва ажратмалар ҳам мажбурийлик характериға эға. Шундай қилиб, ҚҚС ўз моҳиятиға кўра, узок йилларға мўлжалланган мажбурийлик муносабатларини ифодалайди. Масалан, собиқ иттифоқ даврида оборот солиғи 62 йил ўзгармасдан иқтисодиётға хизмат қилди⁸. Бизнинг мустақил Республикамизда ҚҚС ҳам ана шунай узок йилларға хизмат қиладиган оддий, ҳаммага тушунарли билвосита солиқ бўлиши керак. Бунинг учун улар Республика иқтисодиётига хос хусусиятларни тўлиқ ифода эта оладиган ва илмий асосланган бўлиши зарур.

Ўзбекистан Республикаси иқтисодиётининг ривожланиши эркин бозор муносабатлари билан ифодаланадиган бўлса, давлат билан бозор муносабатлари шароитида ишлайдиган корона, бирлашма ва ташкилотлар

⁶ Маманазаров А. Солиқ сиёсати. -Т.: “Молия”. 2003. 19-бет.

⁷ Тошматов Ш., Комилов М. Қўшилган қиймат солиғи. -Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”. 2004. 20-бет.

⁸ Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. //Ўқув қўлланма. -Т.: 2003. 50-бет

ўртасидаги муносабат фақат ҳуқуқий муносабат асосида бўлиши тақозо этилади. Бундай муносабатлар қисман ҚҚС билан амалга оширилади.

Демак, қўшилган қиймат солиғи - бу иқтисодий қиймат категорияси бўлиб, маълум бир иқтисодий муносабатни ўзида шакллантиради. Бундай иқтисодий муносабат қиймат ҳаракати билан ўз ифодасини топади. Аввало ҚҚС - бу жами ижтимоий маҳсулотнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади. ҚҚСнинг иқтисодий-ижтимоий моҳияти, унинг таъсир доираси билан белгиланади⁹. Унинг ҳосил бўлиши ва ишлатилишининг ўзига хос механизми (тўлашнинг шартлиги, тўлов муддатлари ва мулкдорларнинг қайд қилиниши) унга маблағларни жамлашнинг солиқ усулига оид бошқа белгиларни касб этади.

Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган солиқлар орасида ҚҚС муҳим ўрин тутмоқда. Билвосита тусдаги бу солиқ бюджет тушумлари орасида жуда катта қийсий салмоққа ҳам эга. ҚҚС кўпгина мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришда катта роль ўйнамоқда. Уни савдода солиққа тортишнинг муваффақиятли чораси деб тан олиниб ҳам келинмоқда. Шу солиқ шарофати билан экспорт солиғини аниқ белгилаш ва қайтариш шарафига эга бўлинмоқда. ҚҚС ташқи савдога ва техник усулларга нисбатан нейтрал ўрин тутди. Бундан ташқари, бизнес юритишнинг шакл ва усуллари ҚҚСга таъсир ўтказмайди. ҚҚСни шу тариқа ижобий баҳолаш мумкин, зеро ресурсларни тақсимлаш чоғида бозор воситалари учун танлаш эркинлигини берувчи иқтисодиёт шароитида юқорида айтилган шартлар ҚҚСнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади.

Юқорида айтилган ижобий томонлардан ташқари ҚҚС ниҳоятда барқарордир, чунки ставка ўзгариши даромадлар кўпайиши ёки камайишига таъсир этмайди¹⁰. Бунинг устига, операциялар ўтказиш чоғида ундириладиган оддий солиқ бўлган ҚҚС солиққа тортишнинг ишончли ва нисбатан осон тушуниладиган воситаси сифатида солиқ муносабатлари таркибида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келмоқда.

Қўшилган қиймат солиғи биринча марта 1954 йилда француз иқтисодчиси Моррис Лоре¹¹ томонидан таклиф қилинган бўлиб, бозор иқтисодиёти амал қиладиган кўпгина давлатларда муваффақиятли қўлланиб келинмоқда. Масалан, Шарқий Европа мамлакатлари (Германия, Дания, Нидерландия, Франция, Швейцария)да 60 йилларнинг охирида, (Бельгия, Буюкбритания, Италия, Люксембург, Норвегияда) 70-йилларнинг бошларида ҚҚС жорий этилган ва ҳозирги кунгача амал қилиб келмоқда. Қўшилган қиймат солиғи Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги 35дан ортиқ давлатларда жорий этилган ва ундирилиб келинмоқда. Мустақил Давлатлар ҳамдўстлигига (МДХ) кирган барча давлатларда 1992 йилдан бошлаб ҚҚС жорий этилган.

⁹ Макарьева В. Оптимизация налогообложения. -М.: ООО "Торячая линия бухгалтера". 2005. стр. 56

¹⁰ Тошматов Ш., Комилов М. Қўшилган қиймат солиғи. -Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси". 2004. 22-бет.

¹¹ Миляков. Н. Налоги налогообложение. -М.: Инфра-М. 2005. стр. 69

Кўпгина мамлакатларда ҚҚС давлат солиқ даромадларининг 12 фоиздан 30 фоизгача бўлган даромад қисмини қоплайди, яъни ялпи миллий маҳсулотнинг ўртача 5-10 фоизини ташкил қилади¹². Ўзбекистонда 1992 йилдан бери қўлланилиб келинаётган ҚҚС (акциз солиғи билан биргаликда) олдин амал қилиб келган билвосита солиқлар – савдо ва оборотдан олинадиган солиқларнинг ўрнини тўлиқ алмаштирди. Аммо, ҚҚС ўзининг ўрни бўйича бюджетнинг даромад қисмини шакллантиришда, республика ва корхоналар иқтисодига таъсири, нархлар пропорциясини аниқлашда улардан ўтиб кетди. ҚҚС қўлланила бошланган вақтдан ҳозирги кунгача бўлган даврда Ўзбекистон давлати бюджетининг асосий манбаларидан бирига айланди.

Ўтган даврлар ичида ҚҚС ставкаси 1992 йилда амал қилган 30 фоиздан 1997 йилга келиб 18 фоизгача туширилди ва 1998 йилдан бошлаб 20 фоиз қилиб белгиланиб, ушбу ставка бугунги кунгача сақланиб қолинди. Ҳозирги вақтда амалиётда “ноллик” ставка ҳам қўлланилмоқда.

Солиқнинг ушбу ставкаси миқдорининг сақланиб қолиниши сабаб бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ушбу ставка деярли барча МДҲ давлатларида амал қилиб келади ва бу давлатлараро савдода амалга оширишда анча самарали ҳисобланади.
- солиқнинг ушбу ставкасида давлат бюджетининг даромад қисми 30 фоизлигича сақланиб қолади ва бу бозор иқтисодига мўлжалланган давлатлардаги ушбу манбадан келадиган тушумлар ҳажми билан мос келади.
- солиқнинг бу ставкаси йилига 1-2 фоиздан камайиб бораётган фойда солиғи ставкасининг пасайиши натижасида олинмай қолинаётган бюджет даромади ўрнини қоплаш имкониятини беради.

ҚҚС - ишлаб чиқариш ва тақсимлашдан тортиб истеъмолчига, сотишгача бўлган жараёнда ҳар бир циклдан олинадиган билвосита кўп поғанали солиқдир. Унинг объекти қўшилган қиймат, яъни маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ёки хизматлар бажарувчи томонидан янги буюм ёки хизматни бажариш учун сотиб олинган хом ашё, материаллар ёки маҳсулотлар қийматига қўшилган қиймат ҳисобланади. Ушбу солиқ маҳсулот нархининг барча унсурларини чеклайди ва ишлаб чиқарувчини ишлаб чиқариш чиқимларини камайитиришга ундайди¹³.

ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар жараёнида давлат саноат ва савдо сармояси айланиши суръатлари ҳақида маълумот олади, бу эса макроиқтисодий тартибга солинишини енгиллаштиради. Бундан ташқари, давлат товарнинг аҳоли - солиқнинг мазкур турининг ягона ва охириги тўловчисига сотилишига қадар даромад олиш имконига эга бўлади.

Жаҳон амалиёти ҚҚСни ҳисоблашнинг деярли бир хил тизимини назарда тутди. Тўловчи ҳаридордан сотилган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун солиқ суммаси ва етказиб берувчи томонидан моддий ресурслар, ёқилғи, ишлар учун тўланган ва улар қиймати ишлаб

¹² Александров И. Налоговые системы России и зарубежных стран. -М.: “Бератов-Пресс”. 2002. Стр. 125.

¹³ Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. //Дарслик. –Т.: “Шарқ”. 2009. 91-бет

чиқариш ва айланма ҳаражатларга киритилган солиқ суммаси орасидаги фарқни тўлайди¹⁴. Тўланиши керак бўлган солиқ манфий бўлиб чиқса, яъни бу солиқ кўпайиб кетса, қолдиқ бўлажак тўловлар ҳисобига киритилади ёки ривожланган мамлакатларда қабул қилинганидек, бюджетдан бошқа суммалар ҳисобига қопланади.

ҚҚСга асосланган солиқ тўлаш тизими солиқларни қисмларга ажратиб олиш имконини беради, чунки фирманинг барча сотувларидан солиқ олинади, бироқ ораликдаги харидлар учун тўланган солиқлар кейинчалик умумий суммадан қопланади. “Солиқ кредити” сифатида таниш бўлган бу усул солиқ тизимига ўзини-ўзи тартибга солиш имконини беради, бу эса солиқлар олиш тартибини яхшилайдди.

ҚҚСнинг асосий афзаллиги шундаки, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида тўланган солиқ миқдорини ҳисоблаш мумкин. Бу мисол учун, экспорт учун солиқ чегирмаларини ҳисоблаш ва экспорт субсидиялари берилишида бузилишларнинг олдини олиш имконини беради. Бундан ташқари бундай кўп босқичли солиқлардан фойдаланиш ягона фирма тузилмаси ёки корхоналар уюшмаси доирасида маҳсулотлар ишлаб чиқаришда солиқ суммасини камайтиради ва шу тариқа фирмаларнинг вертикал интеграциясига туртки бўлади.

1.2. Қўшилган қиймат солиғининг бюджет даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти


Иқтисодиётнинг ҳар хил соҳаларидаги тузилиши, ўзгартирмасдан, солиқ ставкаларини унча катта бўлмаган миқдорда оширилиши, бюджетга солиқ тушумини сезиларли даражада оширилиши мумкин. Бу қўшилган қиймат солиғи Ғарбий Европадаги хорижий давлатларда бозор иқтисодиёти шароитида синаб кўрилган, натижада у бюджет даромадларини шакллантиришнинг ишончли манбаи сифатида ўзининг қулай ва самарали восита эканлигини исботлаган. Лекин шунга қарамай мамлакатимизда қўшилган қиймат солиғининг дастлаб жорий этилишидаги юқори ставкани (30 фоиз) шу пайтда фаолият кўрсатган корхоналарнинг молиявий натижаларига эгри солиқ сифатида таъсири бўлмаган бўлса-да, товар ва хизматлар баҳосининг ошишига ва бунинг натижасида инфляция даражасининг янада юқори бўлишига ўз “улушини қўшади”, десак муболаға бўлмаса керак. Шу туфайли кейинги йилларда қўшилган қиймат солиғи ставкалари тушириб борилди.

Давлат бюджетининг иқтисодий тушунчаси, умумжамият миқёсида марказлашган ва давлат иштирокида тўпланган ва сарфланадиган молиявий ресурсларни англатади. Умуман бюджет инглизча сўз бўлиб, давлат, корхона, муассасаси ва айрим шахсларнинг маълум муддатга олинadиган белгилаб қўйилган қирим-чиқим, яъни даромад ва харажатлари мажмуини ифодалайди. Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети асосан солиқлар ёрдамида тўпланадиган ҳамда давлат томонидан унинг функциялари ва

¹⁴ Завалишина И. Солиқлар: назария ва амалиёт. -Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”. 2005. 19-бет.

вазифаларини амалга ошириш учун ишлатиладиган пул маблағларининг марказлаштирилган фондидир, у қонун кучига эга, Республика Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади¹⁵.

Давлатнинг иқтисодий сиёсатини ҳаётга татбиқ этишнинг асосий воситаларидан бири бўлган бюджет тизими Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети фаолият кўрсатилишининг ташкилий шакли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг тузилиши – “Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тўғрисида”ги қонунига мувофиқ республиканинг мустақил давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиши билан белгиланади. Таркибига республика бюджетини, Қорақолпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни олиб, тузиладиган ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш Давлат режасига мувофиқ равишда даромад ва харажатлар бўйича тузилади.



1-чизма. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг таркибий тузилиши¹⁶

Бевосита солиқлар салмоғини камайтириш ҳисобига билвосита солиқлар улушини ошириш, солиқ юкини ишлаб чиқарувчилар зиммасидан истеъмолчилар зиммасига ўтказиш бевосита корхоналар ҳамда фуқароларнинг молия-хўжалик фаолиятига, яъни уларнинг даромадлари ҳажмига таъсир кўрсатиши билан боғлиқ. Бевосита солиқларнинг камайтириши билан ишлаб чиқаришнинг ривожланиши рағбатлантирилади, тегишлича солиққа тортиш базаси кенгайиб, бюджетга тушумлар ортади. Бевосита солиқлар ставкаларини камайтириш ва билвосита солиқларга тортиш базасини кенгайтириш орқали бунга эришиш мумкин. Бундан ташқари, солиқ ставкаларини янада кўпроқ пасайтириш йўли билан айрим йўналишлар экспорт, хорижий инвестициялар ва бошқалар рағбатлантирилади.

Сўнгги йиллардаги солиқ сиёсатининг таҳлили давлат бюджетининг даромадлари таркибида эгри солиқлар улушининг анча ўсаётганини ҳамда тўғри солиқлар салмоғининг камаяётганини кўрсатмоқда. Чунончи, 2009 йилда бюджетга солиқ тушумларининг 65,5 фоиздан ортиғини билвосита

¹⁵ Ваҳобов А. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. //Ўқув қўлланма. -Т.: Iqtisod-moliya. 2005. 78-бет.

¹⁶ Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. –Т.: “Фан”. 2004. 110-бет.

солиқлар, мол-мулк солиғи ва ресурс тўловлари ташкил этган. Буни қуйидаги 1-жадвалда ҳам кўриш мумкин.

1 - жадвал

2006-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг асосий кўрсаткичлари*

Кўрсаткичлар	2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил (прогноз)	
	млн.сўм	жами нис-н, %да	млн.сўм	жами нис-н, %да	млн.сўм	жами нис-н, %да	млн.сўм	жами нис-н, %да
I. Давлат мақсадли жамғармалар даромадларисиз - жами	5100867,9	100	7108257.4	100	10421382,5	100	13116396,9	100
1.Тўғри солиқлар	1219647,9	23,9	1798051.7	25.3	2769172,4	26,6	3420602,8	26,1
1.1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	261720,9	5,1	361178.5	5.1	542342,9	5,2	645476,1	4,9
1.2. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан олинадиган ягона солиқ тўловидан давлат бюджетига ажратмалар	110800,0	2,2	145022.1	2.0	222415,1	2,1	297034,7	2,2
1.3. Ягона солиқ тўловидан давлат бюджетига ажратмалар	103888,9	2,0	145628.1	2.0	256002,2	2,5	346321,2	2,6
1.4. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	689038,1	13,5	888524.0	12.5	1281600,0	12,3	1535033,4	11,7
1.5. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий солиқ	54200,0	1,1	81690.9	1.1	108600,0	1,1	139145,7	1,1
1.6. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	112145,5	2,2	176008.1	2.5	358212,2	3,4	457591,7	3,5
2. Эгри солиқлар	2478178,1	48,6	3571023.6	50.2	5162093,6	49,5	6973809,5	53,1
2.1. Қўшилган қиймат солиғи	1261691,5	24,7	2000865.2	28.1	3093980,9	29,7	3987982,3	30,4
2.2. Акциз солиғи	915682,1	18,0	1170405.2	16.5	1503827,0	14,4	2191092,1	16,7
2.3. Божхона божи	116136,6	2,3	247827.5	3.5	361100,0	3,5	479267,2	3,8
2.4. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ	111250,5	2,2	151925.7	2.1	203185,7	1,9	315467,9	2,4
3. Мол-мулк солиғи ва ресурс тўловлари	931800,0	18,3	1218873.5	17.1	1662498,0	16,0	1974143,8	15,1
3.1. Мол-мулк солиғи	191400,0	3,8	234048.9	3.3	319045,7	3,1	354128,5	2,7
3.2. Ер солиғи	180300,0	3,5	203602.6	2.9	275098,8	2,7	303850,1	2,3
3.3. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	531000,0	10,4	746302.0	10.5	1024844,0	9,8	1265000,0	9,6
3.4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	29100,0	0,6	34920.0	0.5	43509,5	0,4	51165,2	0,4

4. Устама фойда солиғи	-	-	203562,1	2,9	238498,2	2,3	25695,7	0,2
5. Бошқа даромадлар	359096,4	7,1	316746,5	4,4	589120,3	5,6	722145,1	5,5

**Манбаа: Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларига иловалар.*

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, йиллар бўйича тўғри солиқлар мос равишда масалан, 2007 йилда жами даромадларга нисбатан 23.9 фоизни, 2008 йилда 25.3 фоизни, 2009 йилда 26.6 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йил прогноз кўрсаткичларида эса 26.1 фоиз бўлиши режалаштирилган. Бундай ҳолатни эгри солиқларда ҳам кўриш мумкин, яъни 2007 йилда жами даромадларга нисбатан салмоғи 48.6 фоизни, 2008 йилда эса 50.2 фоизни, 2009 йилда 49.5 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йил прогноз кўрсаткичларида 53.1 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Мол-мулк солиғи ва ресурс тўловлари эса йиллар бўйича камайиш тенденциясига эга, яъни 2007 йилда жами даромадларга нисбатан 18.3 фоизни, 2008 йилда 17.1 фоизни, 2009 йилда 16.0 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йил прогноз кўрсаткичларида 15.1 фоиз бўлиши режалаштирилган. Бюджетнинг бошқа даромадларида эса нобарқарорликни кузатиш мумкин, яъни 2007 йилда жами даромадларга нисбатан 7.1 фоизни, 2008 йилда 4.4 фоизни, 2009 йилда 5.6 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йил прогноз кўрсаткичларида 5.5 фоиз бўлиши кутилмоқда.

Биз юқорида республикаимиз давлат бюджетида солиқли тўловларнинг аҳамияти ва салмоғини таҳлил қилдик. Энди солиқли тўловлар, шу жумладан, эгри солиқларнинг Тошкент шаҳар Яккасарой тумани маҳаллий бюджетини шакллантиришдаги ролини таҳлил қилсак. Қуйидаги жадвалда Яккасарой тумани маҳаллий бюджетидида солиқли тўловларнинг салмоғи тўғрисидаги маълумот келтирилган (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани маҳаллий бюджети даромадларининг динамикаси (минг сўм ҳисобида)*

Кўрсаткичлар	2007 йил		2008 йил		2009 йил	
	сумма	фоиз	сумма	фоиз	сумма	фоиз
Жами тушумлар	22647791.5	100	29895084.8	100	39490621	100
Тўғри солиқлар	12998606.0	57.4	17028173.9	57.0	21336600	54.0
Эгри солиқлар	4569369.4	20.2	5894486.5	19.7	9914520	25.1
Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	1526355.9	6.7	1968999.1	6.6	1753500	4.4
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфра-тузилмани ривожлан-тириш солиғи	2210909.6	9.8	2807855.2	9.4	5368400	13.6
Бошқа даромадлар	1342550.6	5.9	1745315.8	5.8	1117601	2.9

**Манба: Яккасарой тумани ДСИ ҳисобот маълумотлари .*

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Яккасарой тумани маҳаллий бюджетидида тўғри солиқларнинг эгри солиқларга нисбатан улушининг юқорилиги билан тавсифланади. Бироқ уларнинг улуши нобарқарорлик тенденциясига эга. Жумладан, 2007 йилда жами даромадлардаги улуши 57.4 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда 57.0

фоизни, 2009 йилда эса 54 фоизни ташкил этган ҳолда камайиш тенденциясига эга. Бу ҳолатни эгри солиқларда ҳам кўриш мумкин, яъни 2007 йилда жами даромадлардаги улуши 20.2 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда 19.7 фоизни ташкил этган ҳолда камайган, 2009 йилда эса 25.1 фоизни ташкил этган ҳолда ўсиш тенденциясига эга.

Қуйида келтирилаётган жадвалда қўшилган қиймат солиғининг эгри солиқлардан тушумлар салмоғидаги ўрнининг таҳлили берилган (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал.

Қўшилган қиймат солиғининг эгри солиқлар таркибидаги ўрни*

Кўрсаткичлар	2007 йил		2008 йил		2009 йил	
	минг.сўм	жами нис-н, %да	минг.сўм	жами нис-н, %да	минг.сўм	жами нис-н, %да
Эгри солиқлар	4569369,4	100,0	5894486,5	100,0	9914520	100
Қўшилган қиймат солиғи	3655495,5	80,0	5010313,5	85,0	9115400	91,9

*Манба: Яккасарой тумани ДСИ ҳисобот маълумотлари .

Жадвалдан кўриниб турибдики, қўшилган қиймат солиғининг жами эгри солиқлардаги улуши ўсиш тенденциясига эга. Жумладан, 2007 йилда жами эгри солиқлар даромадларидаги улушида 80.0 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда 85.0 фоизни ташкил этган, 2009 йилда эса 91.9 фоизни ташкил этган ҳолда 2007 йилга нисбатан 11.9 пунктга ўсган.

Қўшилган қиймат солиғини тўлаш механизми ички ва айниқса ташқи солиққа тортишда - мўлжалланган жойига қараб халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. ҚҚС бўйича ягона ставканинг қабул қилиниши ҳисоб ва ҳисоб-китоб жараёнларини анча соддалаштирди. Бундан ташқари, ҳисобварақ фактуралар тизимининг жорий этилиши солиқ ҳисоби ва ҳисоблаб чиқарилиши устидан назоратга автоматик тус берди. Бироқ бунда асосий муаммо - ҚҚС тўлашдан озод қилиш муаммоси ҳал этилмай қолмоқда. Бундан солиққа тортишнинг асосий тамойилларидан бири – адолатлилик тамойили бузилмоқда, чунки ушбу солиқни тўламайдиганлардан маҳсулот сотиб олувчи, мазкур солиқ тўловчиларининг солиқ юки ортмоқда.

Шу тариқа ҚҚСни бирхиллаштириш ва соддалаштириш масаласида келгусида унга доир барча имтиёз ва истисноларни бекор қилиш асосий йўналиш тусига эга бўлади. Мазкур солиқ давлатга жуда қулай ва «арзон» тушади. Чунки корхона ва ташкилотлар фойда олиши ёки олмаслигидан қатъий назар товарлар сотилиши билан бюджетга келиб тушади, яъни бюджет даромадларининг узлуксизлигини таъминлайди.

1998 йилдан бошлаб маҳсулот (иш, хизматлар) жўнатилиши товарларнинг реализация қилинган деб ҳисобланади. Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврида корхоналар ва аҳоли даромадларининг жуда паст даражада бўлиши натижасида, давлат кўпроқ эгри солиқларни

оширишга мажбур бўлмоқда. Лекин давлат ўз харажатларини қоплаш учун юқори даражага кўтариши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин»¹⁷. Унинг маълум даражада иқтисодий асосланган, корхоналар молиявий ҳолатини ва аҳоли турмуши моддий даражасини нормал ҳолатда таъминлайдиган чегараси бўлиши лозим. Жисмоний шахслар даромад солиғи ундирилишда (тўғри солиқ) солиқ тўловчининг даромади даражаси, тўлов қобилияти ва бошқа эътиборга олинади. Қўшилган қиймат солиғида эса бундай ҳолатлар эътиборга олинмайди. Товарларни эҳтиёжини қондириш учун сотиб олган аҳоли бу солиқни тўлайверади.

1.3. Қўшилган қиймат солиғининг хорижий давлатларда ундиришнинг ижобий тажрибаларини ўзлаштириш масалалари

Ҳозирги вақтда қўшилган қиймат солиғи Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларнинг давлат бюджетларининг даромадларини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Европа мамлакатларида эгри солиқларнинг роли АҚШ, Япония, Канада ва Австралияга қараганда юқоридир. Европа мамлакатларида жами солиқ тушумларининг ҳажмида эгри солиқларнинг салмоғи 40 фоиздан юқори бўлиб, айрим мамлакатларда 50 фоизни ташкил этади. Мазкур кўрсаткич 50 фоиздан юқори бўлган мамлакатлар гуруҳига Мексика, Туркия ва Корея киради. АҚШ, Япония, Канада ва Австралияда эса ушбу кўрсаткич 25-30 фоизни ташкил қилади¹⁸.

Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларда солиқ тушумларининг таркибида эгри солиқларни юқори салмоқга эга эканлигининг асосий сабабларидан бири, бу мамлакатларда солиқ ставкаларини умумлаштирилганлиги ва солиққа тортиш базасини ўзаро уйғунлаштирилганлиги ҳисобланади. Бу масаланинг Ўзбекистон Республикаси учун амалий аҳамиятга эга эканлиги шундаки, мамлакатимиз товароборотининг сезиларли қисми Россия Федерацияси, Украина ва Қозоғистон Республикаларига тўғри келади. Ҳозирга қадар мазкур мамлакатлар ўртасида қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ставкаларини умумлаштириш ва солиққа тортиш базасини уйғунлаштириш масаласи ҳал қилинмаган. Бу эса, ушбу мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ташқи савдо муносабатларини ривожлантиришга тўсқинлик қилади.

Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг махсус Директивасига мувофиқ 1992 йилнинг 19 октябридан бошлаб ҚҚСнинг минимал ставкалари белгилаб берилди. Хусусан, 1993 йилга қадар минимал ставкаларда ҚҚСни олиш битта мамлакатда амалга ошириладиган бўлди. Яъни, ноллик ставка экспортёр мамлакатада қўлланилади, минимал ставкалар бўйича товарлар ва хизматлар импортёрларнинг мамлакатада солиққа тортилади¹⁹. Жисмоний шахслар томонидан сотиб олинган товарлар мазкур товарлар ишлаб чиқарилган мамлакатда ҚҚСга тортилади. Чунки, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар

¹⁷ Ш.Тошматов. Қўшилган қиймат солиғи. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2004. 28-бет.

¹⁸ Пансков В., Князев В. Налоги и налогообложения. -М.: МЦФЭР. 2003. 57 стр.

¹⁹ Бард В., Павлова Л. Налоги в условиях экономической интеграции. -М.: "Кнорус". 2004. стр 204

ўртасида фуқароларнинг ҳаракатланиши эркин бўлиб, улар турли мамлакатларда ўзларининг шахсий истеъмоллари учун товарлар харид қиладилар. Шунинг учун ҚҚСни ундиришни осонлаштириш мақсадида товарлар сотиб олинган мамлакатларда ҚҚСга тортилади. Фуқаролар яшаш жойларига қайтиб келганларида ҚҚСни тўламайдилар.

Францияда стандарт солиқ ставкалари мавжуд бўлиб, 1998 йилдан бошлаб, уларнинг миқдори 20,6 фоизни ташкил қилади. Бундан ташқари ҚҚСнинг пасайтирилган ва оширилган ставкалари ҳам мавжуддир. ҚҚСнинг пасайтирилган ставкалари 5,5 фоиз ва 2,1 фоизни ташкил этса, оширилган ставка 25 фоизни ташкил этади²⁰. Францияда ва Европа Иттифоқига аъзо бўлган бошқа мамлакатларда асосий капиталга инвестиция қилинган маблағлардан ҚҚС олинмайди. Шунингдек, тижорат банклари, молия муассасалари, ўқув юртлари ҚҚСни тўламайдилар.

Буюк Британияда ҚҚС жорий этилган дастлабки пайтда унинг ставкаси 10 фоизни ташкил қилар эди, кейин эса солиқ ставкаси 8 фоиз қилиб белгиланди. Ҳозирги вақтда асосан 3 хилдаги ҚҚС ставкаси мавжуд бўлиб, ноллик ставка, пасайтирилган ставка (5%) ва оширилган ставка (17,5%) лардан иборат²¹. Пасайтирилган ставкада шахсий истеъмол учун ишлатиладиган электр токи ҳамда газ ҚҚСга тортилади. Ноллик ставкада эса озиқ-овқат маҳсулотлари, жамоат транспорти хизматлари наشريёт маҳсулотлари, уруғчилик ва чорвачилик маҳсулотлари солиққа тортилади. Буюк Британияда таълим, медицина хизматлари, суғурта ва брокерлик хизматлари ҚҚСга тортилмайди. Шуниси эътиборлики, Буюк Британияда йиллик обороти 54 000 фунт стерлингача бўлган тадбиркорлар ҚҚСни тўлашдан озод қилинганлар (Ўзбекистон Республикасида ҚҚС бўйича имтиёزلарни белгилашда тадбиркорлар йиллик оборотининг миқдори ҳисобга олинмайди). Бизнинг фикримизча, мулк шаклидан ва иқтисодий мақомидан қатъий назар, барча тадбиркорларга ҚҚСга тортилмайдиган йиллик оборот миқдорини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, кўплаб фаолиятини энди бошлаган тадбиркорлар ишлаб-чиқариш ва муомала харажатларининг юқори бўлганлиги сабабли, ишлаб чиқарган товарларнинг баҳосини пасайтириш имкониятига эга эмаслар. Уларга нисбатан 20 фоизли ҚҚСни қўлланилиши товарлар баҳосини сезиларли равишда ўсишига олиб келади. Натижада мазкур тадбиркорлар ишлаб чиқарган товарларнинг рақобатбардошлиги янада пасаяди.

Швецияда ҚҚСнинг асосий ставкаси 25 фоизни ташкил қилади. 12 фоизли пасайтирилган ставкалар озиқ-овқат маҳсулотларига ва меҳмонхона хизматларига нисбатан қўлланилади. 6 фоизли пасайтирилган ставка эса рўзномаларга ва маданий тадбирларга нисбатан қўлланилади. 2001 йилдан бошлаб, йўловчи транспорти хизматлари бўйича ҚҚСнинг ставкаси амалдаги 12 фоиздан 6 фоизга туширилди. Шуниси эътиборлики, Швецияда йиллик обороти 1 млн. Швеция Кронидан ошмайдиган тадбиркорлар ҚҚС тўлашдан

²⁰ Сердюков А. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов. -СПб.: "ПИТЕР". 2005. стр. 51

²¹ Бард В., Павлова Л. Налоги в условиях экономической интеграции. // -М.: "Кнорус". 2004. стр 206

озод қилинганлар²².

Россия Федерациясида 1992 йилда ҚҚС оборот солиғининг ўрнига жорий этилди. Бу солиқ оборот солиғидан фарқли равишда фақат қўшилган қийматдан ундирилади. Оборот солиғи эса бир маротаба умумий оборотдан олинар эди. ҚҚС эса ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг ҳар бир босқичидан олинади²³.

Айни вақтда, хорижий мамлакатлар амалиётида ҳам ҚҚСни давлат бюджетига жалб қилишда сезиларли муаммолар мавжуд. Ана шундай асосий муаммолардан бири, ишлаб чиқариш ва муомала жараёнларининг ҳар бир босқичида яратилган қўшилган қийматни тўлиқ ҳисобга олиш имконининг мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Солиқ органлари солиқ тўловчиларнинг барча счёт-фактураларини текшириш учун жисмоний имкониятларга эга эмаслар. Шунинг учун счёт-фактуралар танланма текширув асосида текширилади. Бунда ҳар бир битим бўйича амалга оширилган операцияларнинг натижалари ҳисоботларда ўз аксини топмайди, ҳисоботларда фақат қолдиқ кўрсаткичлар ўз аксини топади. Бундан ташқари, солиқ органлари божхона органларидан ҳар доим ҳам ишончли маълумотларни тўлиқ ҳажмда ололмайдилар. Бунинг сабаби шундаки, солиқ тўловчилар томонидан божхона ҳужжатларини нотўғри тўлдирилганлиги ҳисобланади. Масалан, Швецияда ҳисоботлардаги таққослаб бўлмайдиган маълумотларнинг 87 фоизи ҳужжатларни нотўғри тўлдириш натижасида юзага келган номувофиқликга тўғри келади, 10 фоизи эса солиқ даврларининг мос келмаслигига тўғри келади²⁴.

Хорижий мамлакатларда ҚҚСни даромад манбаи сифатида қўллаш тажрибасини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, биринчидан, ҚҚС иқтисодий конъюнктуранинг тебранишларига бевосита боғлиқ бўлмаган барқарор даромад манбаи ҳисобланади; иккинчидан, ҚҚС аҳолини нисбатан кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш имконини беради; учинчидан, ҚҚС мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга ижобий таъсир кўрсатади; тўртинчидан, ҚҚС фаолиятини яқинда бошлаган ва катта миқдордаги товароборотида эга бўлмаган тадбиркорларни рағбатлантиришни молиявий воситаси ҳисобланади.

²² Александров И. Налоговые системы России и зарубежных стран. -М.: "Бератов-Пресс". 2002. стр. 131.

²³ Черник Д., Павлова Л., Дадашев А. Налоги и налогообложение. //Учебник. -М.: ИНФРА-М. 2003. стр. 45

²⁴ Александров И. Налоговые системы России и зарубежных стран. -М.: "Бератов-Пресс". 2002. Стр. 134.

II боб. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибининг амалдаги ҳолати таҳлили (Яккасарой тумани мисолида)

2.1. Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари, солиқ объекти ҳамда солиқ солинадиган базани аниқлаш тартиби таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 197-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи тўловчилар қуйидагилар ҳисобланади:

- солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса;
- зиммасига Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилаётган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган юридик шахслар;
- товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар, ўз эҳтиёжлари учун божсиз олиб кириш нормалари доирасида товарлар олиб қирувчи жисмоний шахслар бундан мустасно;
- оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) оддий ширкат шартномасининг шериғи (иштирокчиси).

Қуйида келтирилаётган жадвалда Яккасарой туманида рўйхатдан ўтган қўшилган қиймат солиғи тўловчилари тўғрисида маълумот берилган (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал.

Яккасарой тумани бўйича қўшилган қиймат солиғи тўловчилари тўғрисида маълумот*

Солиқ тўловчилар	01.01.2008 йил ҳолатига қўра		01.01.2009 йил ҳолатига қўра		01.01.2010 йил ҳолатига қўра	
	сони	фоизда	сони	фоизда	сони	фоизда
Жами рўйхатдан ўтган солиқ тўловчилар	5754	100	5780	100	5818	100
Шундан, қўшилган қиймат солиғи тўловчилар	184	3.2	201	3.5	228	3.9

**Манбаа: Яккасарой тумани ДСИ ҳисобот маълумотлари.*

Жадвалдан кўриниб турибдики, қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ўсиш тенденциясига эга. Жумладан, 2007 йилда жами солиқ тўловчилардаги улуши 3.2 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда 3.5 фоизни, 2009 йил эса 3.9 фоизни ташкил этган.

Солиқ кодексига мувофиқ, қуйидагилар қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ҳисобланмайди:

- ноtijорат ташкилотлар, бундан тадбиркорлик фаолияти доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотлари мустасно;
- солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар (ушбу тизмига мансуб корхоналар ихтиёрий равишда тўловчилар бўлиши мумкин).

Ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг

навбатдаги чораги бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмасдан, янги ташкил этилаётган ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар эса фаолият бошлангунига қадар тақдим этиладиган ёзма билдиришга асосан ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солиғини тўлаши мумкин.

Қуйида келтириладиган жадвалда Яккасарой туманида қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтган ягона солиқ тўлови тўловчилари тўғрисида маълумот берилган (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал.

Яккасарой тумани бўйича қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган ягона солиқ тўлови тўловчилари тўғрисида маълумот*

Солиқ тўловчилар	01.01.2008 йил ҳолатига қўра		01.01.2009 йил ҳолатига қўра		01.01.2010 йил ҳолатига қўра	
	сони	фоизда	сони	фоизда	сони	фоизда
Ягона солиқ тўлови тўловчилари, жами	1904	100	1975	100	2018	100
Шундан, қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтган солиқ тўловчилар	4	0.2	6	0.3	9	0.4

*Манбаа: Яккасарой тумани ДСИ ҳисобот маълумотлари.

Жадвалдан кўриниб турибдики, қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтаётган солиқ тўловчилар йиллар бўйича ўсиш тенденциясига эга. Жумладан, 2007 йилда жами ягона солиқ тўлови тўловчилардаги улуши 0.2 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда 0.3 фоизни, 2009 йил эса 0.4 фоизни ташкил этган ҳолда 2007 йилга нисбатан 0.2 пунктга кўп демакдир.

Солиқ кодексининг 198-моддасига мувофиқ солиқ солиш объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- солиқ солинадиган оборот;
- солиқ солинадиган импорт.

Солиқ кодексининг 199-моддасига мувофиқ товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти деб қуйидагилар эътироф этилади:

➤ мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, шу жумладан:

- товарни ва бошқа мол-мулкни жўнатиш (сотиш);
- устав фондига (устав капиталига) қўшилган ҳисса;
- мол-мулкни бепул бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш), шу жумладан юридик шахс ходимларига уларнинг мазкур юридик шахс фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун мол-мулкни бепул бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш);
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) алмаштириш учун мол-мулкни бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш);
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ходимга иш ҳақи ҳисобига ёки муассисга (иштирокчига) дивидендлар тўлаш ҳисобига мол-мулк бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш);

- гаров билан таъминланган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, гаровга қўювчи томонидан гаров нарсасини бериш;

- заём шартномалари асосида товар-моддий заҳираларни бериш;

➤ битта юридик шахсининг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига мол-мулкни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш;

➤ мол-мулкни молия ижарасига (шу жумладан лизингга) бериш;

➤ тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан товарни жўнатиш;

➤ мол-мулкни оператив ижарага бериш;

➤ интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни ўтказиш ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш.

Қуйидагилар товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти бўлмайди:

▪ солиқ тўловчининг харажатлари сифатида қараладиган унинг ўз эҳтиёжлари учун товар бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш;

▪ битта юридик шахсининг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари (завод ички обороти) учун мол-мулк берилиши, ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши;

▪ солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўз кучи билан қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж ишларини бажариши;

▪ гаров қийматига эга бўлган қайтариладиган тарани, шу жумладан шиша идишни жўнатиш;

▪ тугалланмаган қурилишнинг асосий воситалари, номоддий активлари ва объектларини бепул асосда бериш;

▪ банкларнинг мол-мулкни ўз филиалларига бериши;

▪ оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) улуши сифатида товарларни (ишларни, хизматларни), бошқа мол-мулк ва мулкый ҳуқуқларни бериш;

▪ товарларни ва бошқа мол-мулкни қайта ишлаш асосида бериш;

▪ ишончли бошқарув шартномаси асосида мол-мулкни мулкдордан ишончли бошқарувчига бериш;

▪ ишончли бошқарув шартномаси тугатилган тақдирда, мол-мулкни мулкдорга бериш;

▪ объект қийматини ижарага берувчи (лизингга берувчи) оладиган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қоплаш.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти солиқ солинадиган оборотдир, бундан қуйидагилар мустасно:

▪ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган оборот;

▪ реализация қилинган жойи Ўзбекистон Республикаси бўлмаган оборот.


Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан Ўзбекистон Республикаси резиденти учун бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар мазкур ишларни, хизматларни олувчининг солиқ солинадиган оборотига белгиланган тартибда киритилади.

Солиқ солинадиган база, реализация қилинаётган товарларнинг

(ишларнинг, хизматларнинг) қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда белгиланади.

2.2. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси ва солиқдан бериладиган имтиёзлар, ҳисоб-китобларини тақдим этиш ҳамда бюджетга тўлаш муддатлари таҳлили таҳлили

Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиғи ставкаси 1992 йилда 30 фоизни ташкил қилгани ҳолда, бугунга қадар бир-неча марта ўзгартирилди. Жумладан, 1996 йилда 17 фоизни, 1997 йилда 18 фоизни, айрим озиқ-овқат маҳсулотлари турларига (ун, нон, гўшт, сут ва сут маҳсулотлари) эса камайтирилган 10 фоизли ставка белгиланди. 1999 йилда республикада қўшилган қиймат солиғининг 3 хил ставкаси (20%, 15%, ва 0%) амалда қўлланилди. 1999 йилдан ҳозирги кунгача солиқ Кодексига мувофиқ республикада 20 фоизли ва “0” фоизли ставка қўлланилиб келинмоқда. Буни қуйидаги диаграммада ҳам кўриш мумкин (1-диаграммага қаранг):



1-диаграмма. Қўшилган қиймат солиғи ставкасининг ўзгариш тенденцияси.

Қуйидагилар эса ноль даражали ставка бўйича солиққа тортилади:

- товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш (пахта толаси ва линт бундан мустасно) оборотиغا;
- чет эл тарафи ўзаролик принципига амал қилган тақдирда, чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун, шунингдек бу ваколатхоналар дипломатик ва маъмурий-техник ходимларининг, шу жумладан улар билан бирга яшаётган оила аъзоларининг, агар улар

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмасалар ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган бўлмасалар, шахсий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товарларга (ишларга, хизматларга);

- божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларга (кўрсатилган хизматларга), агар қайта ишлаш маҳсулотлари Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиладиган бўлса;

- халқаро йўналишда ташишлар бўйича кўрсатиладиган қуйидаги хизматларни реализация қилиш оборотига;

- сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматларга, шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аҳоли номидан оладиган ана шундай хизматларга.

Кўшилган қиймат солиғидан қуйидаги реализация қилиш оборотлари озод этилади:

- давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ваколатли ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган, давлат божи ва йиғимлар ундириладиган хизматлар (ҳаракатлар);

- мактабгача таълим муассасаларида болаларни тарбиялашга доир хизматлар;

- беморлар ва кексаларни парвариш қилишга доир хизматлар;

- дафн этиш бюрolari ва қабристонларнинг маросим хизматлари, диний ашёларни реализация қилиш, диний ташкилотлар ҳамда бирлашмаларнинг удуьлар ва маросимлар ўтказишга доир хизматлари;

- протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун мўлжалланган инвентарлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган буюмлар ва инвентарлар, шунингдек ногиронларга кўрсатилаётган ортопедик протезлаш хизматлари, протез-ортопедия буюмлари ва ногиронлар учун мўлжалланган инвентарларни таъмирлаш ҳамда улардан фойдаланишга доир ишлар бўйича хизматлар;

- даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналарининг мазкур муассасалар томонидан реализация қилинадиган маҳсулотлари;

- почта маркалари (коллекция қилинадиганларидан ташқари), маркали откриткалар, конвертлар;

- алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафақалар тўлаш бўйича хизматлари;

- бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари. Ушбу имтиёзни олиш учун тегишли молия органининг бюджетдан маблағлар ажратиш тўғрисидаги ҳулоаси асосдир;

- шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шунингдек темир йўл ва умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида (таксидан, шу жумладан

йўналишли таксидан ташқари) шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташиш хизматлари;

- олий, ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида, шунингдек кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотларда таълим беришнинг ҳақ эвазига ўқитишга доир қисми бўйича хизматлар;

- ваколатли давлат органига сақлаб туриш учун топширилган қимматбаҳо металллар;

- тиббий (ветеринария) хизматлари, косметология хизматлари бундан мустасно, шунингдек дори воситалари ва тиббий (ветеринария) буюмлари, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган шундай воситалар ва буюмлар.

- давлат мулкани хусусийлаштириш тартибида реализация қилинаётган мол-мулк;

- гидрометеорология ва аэрология ишлари;

- геология ва топография ишлари;

- босма маҳсулотлар, шунингдек босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш билан боғлиқ таҳририй, матбаа ва ноширлик ишлари (хизматлари);

- Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг, унинг таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг асосий фаолиятига доир маҳсулот ва хизматлар;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан экспорт қилинаётган товарларни ташиш, юклаш, тушириш, қайта юклаш, экспедиция қилишга доир хизматлар, ишлар;

- ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, “Нуроний” жамғармаси ва “Ўзбекистон чернобилчилари” ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар ташкил этувчи юридик шахслар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар (ишлар, хизматлар), бундан воситачилик, савдо, тайёрлов, таъминот-сотиш фаолиятини амалга ошириш бўйича реализация қилиш оборотлари мустасно;

- аҳолини электр энергияси билан таъминлаш;

- давлат тилини ва давлат тилида иш юритишни ўргатиш хизматлари;

- ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти;

- ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлов бўлинмалари хизматлари;

- китоб маҳсулотлари, мактаб ўқув қуроллари ва кўргазмали қўлланмаларнинг, дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи савдоси.

Қуйида келтирилаётган жадвалда Яккасарой туманида рўйхатдан ўтган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларга эга солиқ тўловчилар тўғрисида маълумот берилган (6-жадвалга қаранг).

**Яккасарой тумани бўйича қўшилган қиймат солиғи
бўйича имтиёзга эга солиқ тўловчилар тўғрисида маълумот***

Солиқ тўловчилар	01.01.2008 йил ҳолатига кўра		01.01.2009 йил ҳолатига кўра		01.01.2010 йил ҳолатига кўра	
	сони	фоизда	сони	фоизда	сони	фоизда
Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари, жами	184	100	201	100	228	100
Шундан, имтиёзга эга қўшилган қиймат солиғи тўловчилари	6	3.3	8	4.0	12	5.2

**Манбаа: Яккасарой тумани ДСИ ҳисобот маълумотлари.*

Жадвалдан кўриниб турибдики, қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзга эга солиқ тўловчилар ўсиш тенденциясига эга. Жумладан, 2007 йилда жами солиқ тўловчилардаги улуши 3.3 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда 4.0 фоизни, 2009 йил эса 5.2 фоизни ташкил этган.

Қўшилган қиймат солиғи суммаси белгиланган ставкалар асосида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Сқкс} = \text{Сай} \times \text{С} / 100; (1),$$

бунда: **Сқкс** - истеъмолчилардан ундириладиган солиқ суммаси;

Сай - солиққа тортиладиган айланма;

С - қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

Товарлар (ишлар, хизматлар) қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олган нархлар ва тарифлар бўйича сотилганида - солиқ қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Сқкс} = \text{Тқ} \times \text{С} / (\text{С} + 100); (2),$$

бунда: **Тқ** - қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати.

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган ёки қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотадиган корхоналар эркин (шартномавий) нарх ва тарифга қўшилган қиймат солиғи суммасини қўшмайдилар. Бундай тартиб амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиқ солишнинг алоҳида тартиби кўзда тутилган юридик шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Солиқ кодексининг 224-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган оборотлар бўйича қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган оборот бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан ҳисобга олинадиган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Товарларни импорт қилиш бўйича қўшилган қиймат солиғининг суммаси солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобда турган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун

билан:

- қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан – йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топширилган муддатда;
- микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан – ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоблари билан бир вақтда солиқ даври мобайнида олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестри тақдим этилади. Ҳисобварақ-фактуралар реестрининг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади. Қўшилган қиймат солиғини бюджетга тўлаш қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобларини тақдим этиш учун белгиланган кундан кечиктирмай амалга оширилади. Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини бюджетга тўлаш божхона расмийлаштирувига қадар ёки божхона расмийлаштируви вақтида амалга оширилади.

Қўшилган қиймат солиғининг ортиқча тўланган суммаси солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда, ушбу Кодекснинг 10-бобига мувофиқ солиқ тўловчига қайтарилади. Ҳисобга олиннадиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг навбатдаги ҳисобот даври учун ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан ортиқча суммаси, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қўшилган қиймат солиғи бўйича навбатдаги тўловлар ҳисобига ўтказилади.

Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот ҳисобидан ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммаси давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг солиқни қайтариб бериш тўғрисидаги ёзма аризасини олган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида солиқ тўловчига қайтарилади. Қўшилган қиймат солиғини қайтариш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаси қопланади;
- солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича мавжуд қарзи қопланади;
- ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот учун фойдаланилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғи суммасига тегишли қисми бўйича солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилади.

III боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида қўшилган қиймат солиғини ундиришдаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари

3.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг қўшилган қиймат солиғи тушумларига таъсири

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичи глобаллашув жараёнларининг жадал ривожланиши орқали тавсифланади. Глобаллашувни иқтисодий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, у жаҳон хўжалигининг бутун маконини қамраб олувчи иқтисодий муносабатлар тизимининг ташкил топиши ва ривожланишини англатади.

Бироқ, глобаллашув жараёнини мутлақлаштириш ва унга бир томонлама қараш тўғри бўлмайди. Чунки, мазкур жараён ўзининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда зиддиятли томонларига ҳам эга. Жаҳоннинг бир мамлакатада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши шулардан бири ҳисобланиб, бугунги кунда рўй бераётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг оқибати ҳисобланади.

Шунга кўра, Президентимиз ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат эканлигидан бошлаб, жаҳон молиявий инқирозининг мазмун-моҳияти, келиб чиқиш сабабларига батафсил тўхталиб ўтдилар.

Президентимиз жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизнинг 2008 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатганлигини таъкидлаб ўтдилар.

“Бундай таъсир, – деб ёзадилар Президентимиз ўз асарларида, – авваламбор, умуман дунё бозоридаги талаб ва нархларнинг кескин тушиб кетишида ва табиийки, мамлакатимиз экспорт қиладиган маҳсулотларнинг муҳим турларига нисбатан ҳамда экспортга йўналтирилган етакчи тармоқлар ва улар билан боғлиқ турдош корхоналар фаолиятида намоён бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бутун иқтисодиётимизнинг мутаносиб ва самарали ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, кўзда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш, ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш йўлида қўплаб муаммоларни туғдирмоқда. Мухтасар айтганда, 2008 йил биз учун, биринчи навбатда мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлди. Лекин, юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва амалга оширилган тадбирлар эвазига 2008 йилда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришдик”²⁵.

²⁵ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 15-б.

Президентимиз ўз асарларида Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтиб, мазкур чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб бердилар.

Биринчидан – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Шунга кўра, ушбу тармоқлардаги корхоналарни бир қатор асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

- маҳсулот таннаҳини пасайтириш;
- экспортёр корхоналарга солиқлар бўйича имтиёзлар бериш;
- банк кредитлари орқали қўллаб-қувватлаш;
- ишлаб чиқаришни кенгайтириш.

Маълумки, мамлакатимиз етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича турли муддатларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилган ва изчил равишда амалга ошириб келинмоқда. Бу ўринда мазкур тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилмоқда. Ўз навбатида, бу мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини беради.

Иккинчидан – жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш, хусусан:

■ тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан – қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно – озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш.

Ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, кейинги йиллар мобайнида экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулот салмоғининг барқарор ўсиш тенденцияси ва хомашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2008 йилда умумий экспорт ҳажмида хомашё бўлмаган товарларнинг улуши 71 фоиздан зиёдни ташкил этди. Айни вақтда Ўзбекистон учун анъанавий экспорт хомашёси бўлган пахта толасининг бу борадаги улуши 2003 йилдаги 20 фоиздан 2008 йилда 9,2 фоизга тушди (7-жадвалга қаранг).

**Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасида
экспорт ва импорт динамикаси, млн. АҚШ долл²⁶.**

Кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил	Ўсиш суръати, %да
Экспорт	8991,5	11572,9	128,7
Импорт	6728,1	7504,1	111,5

Жадвалдан кўринадики, 2008 йилда экспорт ҳажми 28,7 фоизга, импорт ҳажми эса 11,5 фоизга ортган. Таъкидлаш керакки, ташқи савдо муносабатларимиз географияси, аввало, ривожланиб бораётган Осиё қитъаси бозорлари билан савдо айланмасининг ўсиши ҳисобидан сифат жиҳатидан ўзгармоқда.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси, аввало, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатдош тайёр маҳсулот улушининг изчил ошиши, биринчи навбатда, иқтисодийтимизнинг ўсиб бораётган салоҳияти ва имкониятларидан далолат беради. Шу билан бирга, бундай ҳолат экспортимизнинг хомашё ресурслари нархи тез-тез ўзгариб турадиган жаҳон бозори таъсирига боғлиқлигини камайтиришда муҳим йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги шароитда бундай ўзгариш айниқса муҳим аҳамиятга эга. Нега деганда, бугунги кунда экспорт асосан хомашё етказиб беришдан иборат бўлиб, дунё бозоридаги нарх-наво ўйинларига ҳаддан ташқари боғланиб қолаётгани айрим мамлакатларда валюта тушумларини камайтирадиган, молиявий барқарорликнинг ёмонлашувиغا олиб келадиган, иқтисодийтни издан чиқарадиган жиддий факторга айланмоқда.

Ўз моҳиятига кўра ушбу чора-тадбирлар Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмунини ҳам ифода этиб, уларнинг изчил ва тўлиқ амалга оширилиши жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг мамлакатимиз иқтисодийтига таъсирини пасайтиради ва барқарор ривожланиш учун қулай шарт-шароит ва имкониятларни яратади.

3.2. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари

Юқорида амалга оширилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, фикримизча, эгри солиқларни, шу жумладан, давлат бюджети даромадларининг манбаи сифатидаги ролини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ижтимоий харажатларини ўсиш тенденциясига эга эканлиги, ҳукуматнинг бош

²⁶ И.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодийёт, 2009. 37-бет.

ислоҳотчи сифатида йирик инвестицион харажатларининг мавжудлигини ҳисобга олиб, давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмида қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумлар суммасининг барқарор салмоғини таъминлаш зарур.

- қўшилган қиймат солиғини ундириш юзасидан Европа Иттифоқига аъзо бўлган етакчи давлатларнинг солиқ амалиётидаги илғор тажрибаларидан республикамиз шароитида кенг қўламда фойдаланиш зарур. Хусусан, солиқ ставкаларини ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарларнинг турлари бўйича табақалаштириш тартибини, тадбиркорларнинг солиққа тортилмайдиган оборотлари бўйича минимал миқдорни белгилаш усулини республикамизнинг солиқ амалиётида қўллаш ижобий натижалар беради.

- қўшилган қиймат солиғини ундириш ва ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш зарур.

ҚҚСни ҳисоблашнинг чегирмалаш усулида корхона тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммасини сотиб олинган ва ишлаб-чиқариш жараёнида ишлатилган товарлар (хизматлар) қийматини бу товарларни ишлатиш йўли билан ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотларнинг қийматидан чегириб ташлаш ва олинган натижани солиқ ставкасига кўпайтириш йўли билан ҳисоблайди. Шундай қилиб, солиқ базасини аниқлашда сотилган товарлар қийматидан хом-ашё ва бошқа оралиқ товарларнинг қиймати чегириб ташланади.

Ҳақиқатда ҚҚСни ҳисоблашнинг мазкур усули фойдани ҳисоблаш усулига яқин, лекин унинг мураккаблиги шундаки, ҳар доим ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган товар-моддий қимматликларнинг қийматини нотўғри аниқлаш хавфи сақланиб қолди. Мазкур усулнинг асосий камчилиги шундаки, сотиб олинган ресурслар бўйича тўланган солиқлар суммаси таннархнинг таркибида акс эттирилади. Бунинг натижасида “йиғилган солиқ” самараси юзага келади, солиқни ундириш модели эса маълум даражада кумулятив характерга эга бўлиб қолади.

ҚҚСни ҳисоблашнинг воз кечиш усули Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларда кенг қўлланилади. Бунда ҚҚСнинг суммаси товарлар ва хизматларни сотиб олиш жараёнида тўланган солиқ суммасини сотилган товарлар бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан айириб, олинган натижани солиқ ставкасига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Мазкур усулнинг муҳим хусусияти шундаки, ҚҚСнинг суммаси ҳар бир товар тури бўйича ишлаб чиқаришнинг сўнгги босқичидаги солиқ ставкасига боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, агар олдинги босқичларда солиқ ставкаси паст бўлган бўлса ёки солиқдан озод қилинган бўлса, бу енгиллик ишлаб чиқаришнинг сўнгги босқичида олинган солиқ суммаси ҳисобидан қопланиб кетади.

Демак, чегирмалаш усулида воз кечиш усулига хос бўлган мазкур камчилик мавжуд эмас. Бунинг аҳамиятга молик жиҳати шундаки, ҚҚС бўйича бериладиган имтиёзларининг асосий қисми товарларни ишлаб чиқариш босқичига тегишлидир. Бу эса, кўплаб имтиёзларни таъсирчанлигини пасайишига олиб келади, чунки хўжалик субъектлар ҚҚС

бўйича муомала босқичида имтиёзга эга бўлмаганлиги сабабли имтиёзга эга бўлган ишлаб чиқарувчилар билан олди-сотти муносабатларини амалга оширишдан манфаатдор бўлмайди.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, воз кечиш усулида ҚҚС бўйича имтиёзлар бериш фақат биттагина ҳолатда яъни, имтиёзга эга бўлган корхонанинг ўзи товарларни бевосита истеъмолига сотса ёки товарлар ҚҚС тўлашдан озод қилинган чакана савдо корхоналари орқали сотилсагина самара беради.

Агар ҚҚС бўйича имтиёзга эга бўлган корхона сўнгги истеъмолчи ўртасида имтиёзга эга бўлмаган оралиқ бўғин мавжуд бўлса, у ҳолда ҚҚС бўйича берилган имтиёз ўзининг самарадорлигини йўқотади. Барча маҳсулот ва иш, хизматларни бажарувчилар қўшилган қиймат солиғини тўлайдилар ёки озод бўладилар, баъзи бир гуруҳдаги хўжалик субъектларига эса қўшилган қиймат солиғи тўлаш ўрнига алоҳида солиққа тортиш тартиби жорий қилинади. Қўшилган қиймат солиғи тўлаш ўрнига алоҳида солиққа тортиш тартиби жорий қилинган хўжалик субъектларига ягона солиқ тўловига ўтган кичик корхона ва микрофирмалар, ягона ер солиғи тўлашга ўтган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари киради.

Қўшилган қиймат солиғидан озод бўлиш, алоҳида солиққа тортиш тартибининг жорий қилиниши хўжалик субъектларининг солиқ тўлаши бўйича мажбуриятларидан тўлиқ озод этилишини билдирмайди. Қўшилган қиймат солиғидан озод этилишида фақат ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган қўшилган қийматгина солиққа тортилмайди. Лёкин ушбу қўшилган қийматни ҳосил қилишга кетган ишлаб чиқариш харажатлари илгаритдан қўшилган қиймат солиғигига тортилгандир. Шундай қилиб, хўжалик субъектларини қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши ёки алоҳида солиққа тортиш тартиби жорий қилиниши ҳақида гапирилганда улар томонидан қўшилган қиймат солиғини ҳисобламаслиги ва уни бюджетга тўламаслиги эътибор беришимиз, бироқ ишлаб чиқариш учун олинган ишлаб чиқариш хом ашёлар учун, ёнилғи-мойлаш материаллари, электроэнергия, бошқа материалларга, шунингдек ишлаб чиқариш учун олинган ишлаб чиқариш воситалари учун қўшилган қиймат солиғини тўлайдилар.

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши, алоҳида солиққа тортиш тартиби жорий қилиниши хўжалик субъектлари молиявий фаолияти учун ўзига хос икки хусусиятга эгадир. Чунки улар хўжалик субъектларининг молиявий фаолиятига турлича таъсир қилади. Биринчи хусусияти шундаки қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган, алоҳида солиққа тортиш тартиби жорий қилинган хўжалик субъектлари ўз товар ва хизматларини сотганда ушбу товар ва хизматлар таннархида ишлаб чиқариш материалларини сотиб олишда тўланган қўшилган қиймат солиғи тўғридан-тўғри киритади, ҳамда бошқа ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш таннархининг элементи сифатида ўзида акс эттиради. Қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши ҳақида гап кетганда ўзига хос сўз ўйини бўлади. Чунки солиқдан озод қилиниши билан бюджетга солиқдан озод бўлади, лёкин ишлаб чиқариш

учун олинган маҳсулот ва хизматларнинг таннархига борадиган хом-ашёларни сотиб олишда уларга ҳисобланган қўшилган қиймат солиғини тулайдилар. Шу туфайли ишлаб чиқарувчи хом ашё материалларини сотиб олишда тўлаган қўшилган қиймат солиғини ўзига ҳисоб қилишга талаб қила олмайди ва улар қўшилган қиймат солиғини ўз товар-хизматларини сотиб олувчидан олишга ҳуқуқи булмайди.

Қўшилган қиймат солиғидан озод этилган ҳамда алоҳида солиққа тортиш тартиби жорий этилган хўжалик субъектлари молиявий фаолиятига таъсирининг иккинчи хусусияти шундаки қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товар ва хизматларни сотиб олаётган қўшилган қиймат солиғи тўловчи рўйхатда турган хўжалик субъекти ўзи томонидан ишлаб чиқараётган маҳсулотлар учун солиқ кредитидан фойдалана олмайди. Шу туфайли ишлаб чиқарувчига қўшилган қиймат солиғини тўлашда маҳсулотларни сотишда ҳисобланган солиқ ва маҳсулотларни сотиб олишда тўлаган солиқ орасидаги фарқни тўламай, балки сотиш оборотидан ҳисобланган солиқни тўлиқ тўлашга мажбур бўлади. Бунинг натижасида қўшилган қиймат солиғига тортиш занжирида солиқдан озод қилинган бўлинма тушиб қолиши туфайли қўшилган қиймат солиққа бир неча маротаба тортилади ва солиқ тўлаш оғирлиги кейинги бўлинма зимасига тушади. Чунки у солиқдан озод қилинган маҳсулотларни ўз ишлаб чиқариши учун ишлатади. Канчалик қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган маҳсулотлар ва ишлаб чиқарувчилар кўпайса, қўшилган қиймат икки ёки ундан ортиқ марта солиққа тортилиши эҳтимоли кўпая боради.

Қўшилган қиймат солиғидан озод этилиши, алоҳида солиққа тортиш тартиби қўшилган қиймат солиғининг маҳсулотлар баҳосиги ва хўжалик субъектларинг солиқдан озод қилинган ишлаб чиқариш фаолиятига таъсири катта бўлади. Юқорида кўриб ўтдикки солиқдан озод қилинган хўжалик субъекти ишлаб чиқариш ресурсларини кўп ҳолларда қўшилган қиймат солиғи билан сотиб оладилар ва бу солиқни ўз ишлаб чиқариш харажатларига тўлиқ қўшадилар. Бунинг натижасида маҳсулотнинг баҳоси ошишга олиб келинади. Агар ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотининг баҳосини оширишга имкони бўлмаса, у ҳолда маҳсулот баҳосини оширмаслик учун ишлаб чиқариш омилларини камайтиришга мажбур бўлади. Акс ҳолда ишлаб чиқарувчи кам фойда олишга мажбур бўлади.

Шундай қилиб, қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш туфайли корхона ўз маҳсулоти баҳосини оширишга мажбур бўлади ёки акс ҳолда фойда миқдорини ёки ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга мажбур бўлади. Биринчи ҳолда, қўшилган қиймат солиғи истъеомолга таъсир қилиб, баҳони оширишга олиб келади, иккинчи ҳолда эса, ишлаб чиқаришга таъсир қилиб, фойдани камайтиришга олиб келади.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қисмида шуни айтмоқчимизки, қўшилган қиймат ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, сотилган маҳсулотлар, кўрсатилган хизматларнинг қиймати билан ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган оралиқ товарлар, хом-ашёлар ва хизматларнинг қиймати ўртасидаги фарқдан иборатдир. Бунда ишчи кучи билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинмайди. Ушбу билдирилган фикрдан келиб чиқадики, қўшилган қийматни ишчи кучига қилинган харажатлар (ишлаб-чиқариш жараёнида иштирок этувчи ходимларга берилган иш ҳақи, мукофотлар ва уларга тенглаштирилган тўловлар) ва товарни ишлаб чиқариш натижасида олинган фойда суммасига тенг бўлган миқдор сифатида ҳам кўриш мумкин. Табиийки, ишлаб-чиқариш жараёнида ва кейинчалик меҳнат тақсимоти натижасида маълум бир товар бозорга олиб чиқилгунга қадар ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидаги бир нечта босқичлардан ўтади, бу босқичларнинг ҳар бирида қўшилган қиймат яратилади. Товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида иштирок этувчи ҳар бир иштирокчи қўшилган қийматнинг устига ўзининг ҳиссасини қўяди. Шунинг учун товарларни ва хизматларни қиймати уларни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида қўшилган қийматларнинг умумий суммасига тенг.

Шундай қилиб, қўшилган қиймат эгри солиқларни ундириш учун бирламчи объектив асос бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси солиққа тортиш тизимида қўшилган қиймат солиғининг моҳияти, мақсад ва азифалари ҳамда уларни солиқ тўловчилар фаолиятига таъсири, бюджет даромадидаги ҳиссасини таҳлил қилиш ва бу борадаги мажуд муаммоларни ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди.

- республикамизда қўшилган қиймат солиғининг амал қилиш тартиби асослари ишлаб чиқилган;
- қўшилган қиймат солиғи иқтисодий бетарафлик шакли сифатидаги экспортга солиқларни аниқ белгилаш ва қайтариш имкониятини яратади;
- ташқи савдога нисбатан бетараф, товарларни ички ишлаб чиқариш ва сотиш борасида аралашувларни келтириб чиқармайди;
- ишлаб чиқаришнинг кўп меҳнат ёки сармоя талаб қиладиган тармоқларига, мулкчилик шаклига таъсир қилмайди;
- давлат даромадларининг манбаи сифатида барқарор, ишончли ва тушуниш учун нисбатан енгил солиққа тортиш воситаси;
- Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ижтимоий харажатларини ўсиш тенденциясига эга эканлиги, ҳукуматнинг бош ислохотчи сифатида йирик инвестицион харажатларининг мавжудлигини ҳисобга олиб, давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмида қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумлар суммасининг барқарор салмоғини таъминлаш зарур.

Қўшилган қиймат солиғидаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ёки уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини республикамиздаги ютуқ ва камчиликларни ҳисобга олган ҳолда ҳамда тажрибаси юқори бўлган хорижий мамлакатларнинг солиқ тизимидаги ютуқларини ҳисобга олиб

юқоридаги хулосалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни киритмоқчимиз:

1. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш механизмининг соддалаштирилган тартибини ишлаб чиқиш ва мазкур солиқ бўйича табақалаштирилган солиқ ставкаларини жорий қилиш лозим;

2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ тақдим этилаётган имтиёзлар ва ноқонуний хатти-ҳаракатларга нисбатан қўлланилаётган молиявий санкциялар ҳамда жарималар тартибини комплекс тарзда таҳлил қилиш асосида, шунингдек, қўшилган қиймат солиғини бюджет даромадларини шакллантириш даражасидаги таркибини эътиборга олган ҳолда солиқ имтиёзларини бериш ва жарима солишнинг аниқ чегараларини аниқлаш лозим.

3. Илмий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҚҚСнинг ортиб жўнатилган усулидан тўлиқ фойдаланишда харидорлар учун иқтисодий ноқулай ҳолатлар вужудга келмоқда. Албатта, бу ҳолат вақтинчалик характерга эга бўлиб, бозор иқтисодиётига тўлиқ ўтганимиздан кейин ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетиши мумкиндир. Аммо ҳозирги кундаги вазият сотувчи ва ишлаб чиқарувчи, харидор ва истеъмолчига нисбатан ноқулай тенгликда бўлмоқда. Яъни харидорлар иқтисодий томондан устувор молиявий қулайликларга эга бўляпти. Бизнинг фикримизча, шаклланаётган бундай вазиятни яхшилаш ёки қисман юмшатиш учун қуйидаги тадбирни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан, харид қилиб олинган товарлар, маҳсулотлар, хизматлар ва ишлар учун 15 фоизлик олдиндан тўловни ва қолган 85 фоизлик кейинги тўловни қандай бўлса шундай ҳолатда қолдиришни мақсадга мувофиқ деб, айтиш шундаки сотувчилар учун ҚҚС бўйича солиқ танаффуси беришни йўлга қўйиш ва шу даврлар ичида (сўнгги 85 фоизни тўлиқ тўлагунга қадар, яъни 90 кун ичида) айбона ва жаримани ундиришни бекор қилиш лозим. Ана шундай молиявий чора-тадбир амал қилса, сотувчи корхоналар ўз айланма маблағларини мақсадли йўналиши бўйича сарфлашга қулай имконият туғилади.

4. Қўшилган қиймат солиғини ундириш юзасидан Европа Иттифоқига аъзо бўлган етакчи давлатларнинг солиқ амалиётидаги илғор тажрибаларидан республикаимиз шароитида кенг қўламда фойдаланиш зарур. Хусусан, солиқ ставкаларини ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарларнинг турлари бўйича табақалаштириш тартибини, тадбиркорларнинг солиққа тортилмайдиган оборотлари бўйича минимал миқдорни белгилаш усулини республикаимизнинг солиқ амалиётида қўллаш ижобий натижалар беради.

5. Қўшилган қиймат солиғини ундириш ва ҳисоблаш усуллариини такомиллаштириш зарур. ҚҚСни ҳисоблашнинг чегирмалаш усулида корхона тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммасини сотиб олинган ва ишлаб-чиқариш жараёнида ишлатилган товарлар (хизматлар) қийматини бу товарларни ишлатиш йўли билан ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотларнинг қийматидан чегириб ташлаш ва олинган натижани солиқ ставкасига кўпайтириш йўли билан ҳисоблайди. Шундай қилиб, солиқ

базасини аниқлашда сотилган товарлар қийматидан хом-ашё ва бошқа оралиқ товарларнинг қиймати чегириб ташланади. Ҳақиқатда ҚҚСни ҳисоблашнинг мазкур усули фойдани ҳисоблаш усулига яқин, лекин унинг мураккаблиги шундаки, ҳар доим ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган товар-моддий қимматликларнинг қийматини нотўғри аниқлаш хавфи сақланиб қолди.

6. бизнинг фикримизча қўшилган қиймат солиғи қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- қўшилган қиймат солиғининг мақсадларини амалга ошириш учун унинг базаси лозим даражада кенг бўлиши, товарлар ва хизматларнинг имкони борича кўп сонини қамраб олиши зарур;

- қўшилган қиймат солиғи бизнеснинг шакл ва усулларини танлашга, шунингдек, истеъмолчиларнинг товарларни танлашига таъсир қилмаслиги керак, бу солиқ кредитининг қисқа муддатда кайтарилишини, қўшилган қиймат базасининг барча истеъмол товарларига, яъни хом ашё, оралиқ маҳсулотлар, ишлаб чиқариш мақсадидаги товарларга тааллуқли бўлишини тақозо этиши;

- қўшилган қиймат солиғи пировард мақсад тамойили билан бевосита боғлиқ бўлиши керак. Бу импорт товарларга қўшилган қиймат солиғининг ички маҳсулотга солиқдан фарқ қилмаслиги кераклигини, экспорт товарларининг қўшилган қиймат солиғига тортилмаслигини билдиради. Шунингдек, бу солиқ тури солиқ тўловчиларнинг тушуниб етиши учун содда ва енгил бўлиши керак.

- қўшилган қиймат солиғидан бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришга таъсир кўрсатишда, тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришга имконият яратиб беришда ҳамда бюджет даромадларини шакллантириш воситаси сифатида фойдаланиш лозим.

Битирув малакавий ишининг хулоса қисмида келтирилган мулоҳаза ва таклифлар республикада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда билвосита солиққа тортишнинг роли ва аҳмиятини янада ошириш имкониятларини таъминловчи қўшимча омил сифатида майдонга чиқади, деб умид қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон. 2001.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. -Т.: Адолат. 2010.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни. //Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. 1997 йил 29 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги Қонуни. 2006 йил 21 сентябрь. // Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. 2006 йил 21 сентябрь.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни. 2000 йил 14 декабрь. //Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. 2001 йил 2-сон.
6. Каримов И. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: “Ўзбекистон”. 2009
7. Каримов И. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик. –Т.: “Ўзбекистон”. 2005
8. Каримов И. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби”. //Тошкент оқшоми газетаси. 2009 йил 16 феврал. №32
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 1245-сонли Қарори (2009 йил 22 декабрь).
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 1024-сонли Қарори (2008 йил 29 декабрь).
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 744-сонли Қарори (2007 йил 12 декабрь).
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 532-сонли Қарори (2006 йил 18 декабрь).
13. Ўзбекистон Республикасининг солиқлар ва йиғимлар бўйича меъёрий-ҳукукий ҳужжатлари тўплами. I, II жилдлар. – Т.: Norma. 2007.
14. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. //Дарслик. –Т.: “Шарқ”. 2009.
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт, 2009.
16. Альмардонов М., Кузиева Н. Солиқлар ва солиққа тортиш. -Т.: “Iqtosod-moliya”. 2007.
17. Юлдашев И. Солиқ ва солиққа тортиш. -Т.: Фан ва технологиялар. 2007.
18. Тошмуродова Б. Солиқ назорати. //Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya. 2007.
19. Файзиев Ш. Солиқ ва тўловлар аудитининг хусусиятлари. -Т.: “Iqtosod-moliya”. 2006.

20. Ваҳобов А. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. //Ўқув қўлланма. -Т.: Iqtisod-moliya. 2005.
21. Жўраев А., Сафаров Ғ. Солиқ назарияси. //Ўқув қўлланма. –Т.: “Iqtisod-moliya”. 2005.
22. Абдурахмонов О., Кушакаев Б. Солиқ ислохотлари: изчиллик ва тадрижийлик. -Т.: “Akademiya”. 2005.
23. Завалишина И. Солиқлар: назария ва амалиёт. //Ўқув қўлланма. -Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”. 2005.
24. Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. //монография. –Т.: “Фан”. 2004.
25. Тошматов Ш., Комилов М. Қўшилган қиймат солиғи. -Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”. 2004.
26. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. //Ўқув қўлланма. -Т.: 2003.
27. Маманазаров А. Солиқ сиёсати. -Т.: “Молия”. 2003.
28. Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. -Т.: Адлия. 2002.
29. Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. –Т.: “Янги аср авлоди”. 2002.
30. Юринова Л. Налоги и налогообложение. -СПб.: “ПИТЕР”. 2007.
31. Бодрова Т. Налоговый учет и формирование учетной политики для целей налогообложения. -М.: “Дашков и К”. 2006.
32. Малыхин В. Экономико-математическое моделирование налогообложения. //Учебное пособие. -М.: “Высшая школа”. 2006.
33. Романова А. Организация и методы налоговых проверок. //Учебное пособие. -М.: “Вузовский учебник”. 2006.
34. Лукаш Ю. Оптимизация налогов. Методы и схемы. -М.: “Гросс Медиа”. 2005.
35. Абдурахманов О. Налоговые системы стран с переходной экономики. –М.: Палеотип. 2005.
36. Бард В., Павлова Л. Налоги в условиях экономической интеграции. -М.: “Кнорус”. 2004.
37. Романовский М. Налоги и налогообложение.. -СПб.: “ПИТЕР”. 2003.
38. Пансков В., Князев В. Налоги и налогообложение. //Учебник. –М.: МЦФЭР. 2003.
39. Перов А., Толкушкин А. Налоги и налогообложение. //Учебное пособие. -М.: “Юрайт-Издат”. 2003.
40. Черник Д., Павлова Л., Дадашев А. Налоги и налогообложение. //Учебник. -М.: ИНФРА-М. 2003.
41. Пушкарева В. История финансовой мысли и политики налогов. -М.: “Финансы и статистика”. 2002.
42. Юткина Т. Налоги и налогообложение. -М.: “ЮНИТИ”. 2002.
43. Поляк Г. Налоги и налогообложение. -М.: “ЮНИТИ”. 2002.

44. Финансово-кредитный энциклопедический словарь. //Под ред. А.Грязновой. -М.: “Финансы и статистика”. 2002.
45. Александров И. Налоговые системы России и зарубежных стран. -М.: “Бератов-Пресс”. 2002.
46. Миляков Н. Налоги и налогообложение: Практикум. -М.: “ИНФРА-М”. 2001.
47. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш йўллари. //Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: “Iqtisod-moliya”. 2006.
48. Интернет сайтлари:
<http://www.cer.uz>.
<http://www.mf.uz>.
<http://www.nalog.uz>
<http://www.soliq.uz>
<http://www.tfi.uz>.
<http://www.nalog.ru>
<http://www.taxhelp.ru>
<http://www.tax.gov.tm>.